

4.12. Хисоб-китоб бўлишида Етказиб берилган табиий газ хажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТҲХНА)га уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган метрлар бўйича хисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда қириштириш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олингандан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб оми учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон хисоббарак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун хисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

- а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;
- б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлини чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнанинг 7 кундан кенгитирмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб оми учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон хисоббарак-фактура қабул қиладди.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзолаш маслиҳати Етказиб берувчи билан имзолаш Истеъмолчининг кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатишган ёки қабул қилинган газ микдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш оми тутагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қиладди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узатиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ хажми ва унинг қиймати газ узатиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичда тўлиқ қувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарганга қадар, Етказиб берувчи бу ҳақдаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қиладди. Газ учун тарифлар ўзгарганда, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунида белгиланган тартибда кўчга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аввал тарихида тўланган хажми учун тўлов қунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқилиш ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланкиларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунгазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифициланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланishiга йўл қўймашлик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтгазспекция" ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни хисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришнинг таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамчида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашга тўққонлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмашлик, уларнинг касадан бузилишига йўл қўймашлик ва ўрнатилган таъмиларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТҲХНАТ-АСКУТ) тизимига уланган хисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатилиши.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган хажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини хисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида ривож қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси беқор қилинганда, фойдаланилмаган газ хажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонуни ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама беқор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5 ва 6.1 бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхлатишни.

Истеъмолчи қонуничилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларида қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз ушлаш ҳолати аниқланганда,
- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда,
- в) қонуни ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.